

А Ж Р И М

2002 йил апрел ойи 1-кунини Жиноят ишлари буйича Охунбобоев туман судининг очик суд мажлиси уз биносида бўлиб, Ранслик этувчи суд раиси М.М.Каюмов, Халк маслахатчилари 1.М.Хожиматова, 2.Ш.Турдиев таркибида, Ш.Юсупованинг котибалигида, томонлардан туман прокурори М.М.Мирзажонов ҳамда адвокат К.Эргашевларнинг иштирокида,

Узбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми «а» банди, 184-моддаси 3 қисми, 228-моддаси 1-қисми ва 2-қисми «б» банди билан айбланувчи Эргашев Рахимжон Позиловични айблаш буйича 19/02 сонли жиноят иши куриб,

Айбланувчи – Эргашев Рахимжон Позилович 12.03.1961 йилда Охунбобоев туманида тугилган, миллати узбек, маълумоти олий, оилали, депутат булмаган, давлат мукофотлари олмаган, ишламайди, мукаддам судланмаган, Охунбобоев туман Гиштмон к.ф.й Хужалар маххаласида яшайди, эхтиёт чораси «муносиб хулк атворда булиш хакида» тилхат кулланилган, айблов хулосасини олган

Суд, судланувчининг, фукаровий даъвогарлар ва гувоҳларнинг курсатмаларини эшитиб ҳамда йигилган далиларни урганиб ва мухокама килиб куйидагиларни,

А Н И К Л А Д И :

Дастлабки тергов органлар томонидан элон килинган айбномаган кура айбланувчи Эргашев Рахимжон Позилович, Охунбобоев туманида ташкил этилган «Эргашевлар» дехкон-фермер хужалиги рахбари сифатида фаолият курсатиб келгани холда, 1999-йил 22-июн кунини туман хокимининг 252/06-сонли қарорига кура мазкур дехкон-фермер хужалиги фаолияти тугатилган булишига қарамасдан Р.Эргашев фермер хужалигининг штамп ва думалок мухрини тегишли тартибда ИИБ идораларига топширмасдан, 2000-йил 10-май кунини Наманган вилояти Уйчи таманидаги «Саховат» дехкон-фермер хужалиги рахбари И.Далиевнинг ишончига кириб у билан 5-сонли хисоб-шартнома тузган ва шартнома асосида И.Далиевдан 12 тонна жами нархи 3 миллион олти юз минг сумлик металл листларини қабул килиб олиб уни пулини уч кун ичида фермер хужалигининг банкдаги хисоб рақамига утказиб беришга ваъда қилгани холда ушбу пулларни 2001-йилнинг 25-сентябр кунига қадар ва ундан кейин ҳам утказиб бермасдан И.Далиевга жуда куп микдорда моддий зарар етказганлиги курсатилган

Бундан ташқари Р.Эргашев 2000-йил ёз ойларида Маргилон шаҳридаги «Хакикат» номли куп тармоқли савдо ишлаб чиқариш фирмаси рахбари М.Тожибоева билан танишиб уни чорвачилиқдан мутлоқо хабари булмаганлигини билгани холда, уни алдаб ва ишончига кириб узини фермаси борлигини ва бу борада етук мутахассис эканлигини, шунга кура биргалиқда ишлаб чорва моллари харид қилиш учун ва боқиниш учун банкдан кредит олишни таклиф этган. Фуқаро М.Тожибоева унга ишониб зарур хужжатларни тайёрлаб Узбекистон Республикаси Ташки Иқтисодий фаолият Миллий банки Маргилон шаҳар филиалдан 8 миллион сум кредит олган. Кредитнинг 5 миллион сумини 2000-йил 25-сентябрдаги 1-сонли шартномага кура Олтиарик туманидаги «Яхшилиқ» дехкон-фермер хужалиги хисобига утказилиб, унинг 4542100 сумига 25 бош қора моллар, 27900 сумига 930 кг. омухта ем, 43000 сумига 2150 кг шелуха сотиб олинган. Кредитдан ортиб қолган 387000 сум пулини «Яхшилиқ» ДФХ рахбари Ш.Яминов 82 фоиз нақд пул хисобида, яъни 317000 сум пулини Р.Эргашевга қайтарган, уз навбатида бу пуллардан 2000 сумини йул харажатларига ишлатилиб, қолган 315000 сум пул М.Тожибоевага қайтарилиб, М.Тожибоева томонидан бу пуллар «Хакикат» фирмаси офиси учун квартира сотиб олишига ишлатилган

Жами 25 бош кора мол фукаро Р.Эргашевга тегишли булган фермага олиб келинганидан сунг Р.Эргашевни таклифига кура М.Тожибоева ёгочни кайта ишлаб сотиб даромад олиш мукинлигига ишониб 2000-йил 22-октябр куни 6 бош кора молларни бозорда сотишга рухсат берган ҳамда Р.Эргашев томонидан юкоридаги чорва молларни 815000 сумга бозорда сотилиб, 275104 сум узини харид нархидан арзонрок хисоблашиб зарар курилган. Бу пуллардан 334000 сумга бозордан 4 бош кора моллар сотиб олишиб колган 291000 сумнинг 103000 сумига Кувасойдан терак сотиб олинган.

Кейинчалик Р.Эргашев томонидан 2001-йилнинг 7- январ кунигача булган вақт давомида кора молларни арзон-гаровга сотиб юбориш оқибатида 1 миллион 790000 сум маблағни йукотишга олиб келинган.

«Хакикат» фирмасининг рахбари М.Тожибоева фукаро Р.Эргашевнинг алдовларига ишониб Фаргона вилояти «Чорванаслхизмат» ОТАЖ хисоб рақамига нақд куйлар харид қилиш учун 2 миллион сум пул утказиб берган. Уз навбатида «Чорванаслхизмат» ОТАЖ бу пулни Сурхандарё вилоятининг «Наслхизмат бирлашмаси» ихтиёрига утказган. Шартнома асосида Р.Эргашев насли куйлар олиб келиш учун 2000-йил ноябр ойларида Фаргона вилояти «Чорванаслхизмат» ОТАЖ зоотехниги Туйчиев Нозим билан фукаро Фаттохов Холмухаммад бошқарувидаги «Тинчо» русумли, 15Е 5313 давлат белгили автомашинада Сурхандарё вилояти Денов шаҳрига келиб бу ердаги «Хуршид» дехкон-фермер хужалиги рахбари Ф.Алиев орқали хусусий тадбиркор Б.Дудаловдан утказилган пул хисобидан 66 бош куй ва 1 бош эчки олиб уларни фукаро А.Туробов бошқарувидаги ЗИЛ –133 ГЯ русумли, 19АЕ 579 давлат белгили автомашинага юклаб уларни узига тегишли булган Охунбобоев туманидаги фержер хужалигига олиб келган. Бунда куйларни машинага нотугри юкланиши ва йўлда каровсизлик оқибатида куйлардан 3 боши нобуд булган. Кейинчалик Р.Эргашев томонидан 14 бош куйлар «Чорванаслхизмат» ОТАЖ раиси О.Усмонов билан тузилган шартномага асосан шу ташкилотга 452000 сумга сотилиб бу сумма «Хакикат» фирмасининг банкдаги хисоб рақамига утказилган. Шунингдек Р.Эргашев томонида 5 бош куйлар 193000 сумга сотилиб пули «Хакикат» фирмасининг банкдаги хисоб рақамига утказилган. Фермада нотугри парвариш қилиниш оқибатида яна 2 бош куйлар касалланиб нобуд булган 1 бош куй нобуд булмаслиги учун мажбуран суйилиб гўшти 16000 сумга сотилган, 1 бош куй янги йил арафасида суйилиб ишчиларга тарқатилган 7 бош куйларни Р.Эргашевнинг узи М.Тожибоевани рухсатсиз 130000 сумга сотиб пулини шахсий манфаатлари учун ишлатиб юборган. Колган 33 бош куйлар келюсида нобуд булмаслиги учун М.Тожибоева томонидан олиб кетилган.

Фукаро Р.Эргашевнинг айби билан чорва моллари ҳамда насли куйларни олиб келиш ва сотиш жараёнида «Хакикат» фирмаси рахбари М.Тожибоевага жами бузиб 5693000 сумлик моддий зарар етказилганлиги курсатилиб, унга юкоридаги ҳолатлардан келиб чиқилиб Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми «а» банди, 184-моддаси 3-қисми ҳамда 228-модда 1-қисми ва 2-қисми «б» банди билан айбон эълон қилинган.

Мазкур жиноят ишини судда мазмунан қуриш жараёнида иш буйича фукаровнинг даъвогар М.Тожибоева судга талабнома қиритиб, жиноят иши дастлабки тергов жараёнида тулик утқазилмаганлиги, ишни хақиқий ҳолатлари аниқланмаганлиги ва тергов бир ёқлама олиб борилганлиги сабабли жиноят ишини қушимча терговга юборил суралди.

Суд тарафларни мазкур талабнома буйича фикрларни эшитиб ҳамда йиғилган далилларни урганиб ва муҳокама қилиб жиноят ишини қуйдаги асосларга кура қушимча терговга юборишни лозим топади.

1. Дастлабки тергов органлар томонидан айбланувчи Р.Эргашев 2000 йил 10 май куни амалда фаолияти тугатилган «Эргашевлар» дехкон – фермер хужалиги номидан олиб бориб «Саховат» дехкон-фермер хужалиги рахбари И.Далиев билан умумий қиймати 3 миллион 600000 сумлик 12 тонна метал листни олиш хақида шартнома

тузганлиги ва махсулотни олиб кетиб пулни утказиб бермаганлиги айб тарикасида эълон қилинган.

Жиноят ишини 16-варагида Охунбобоев хокимининг 1999-йил 22 июн кундаги 252/06-сонли қарори мавжуд бўлиб, ундан қуринишича тумандаги «Эргашевлар» дехкон – фермер хужалигининг фаолияти ушбу кундан бошлаб вақтинча тўхтатилган. Р.Эргашевнинг судда берган курсатмасига қараганда шу вақтда у касаликка чаллиниб шифохонада даъволанаётганлиги сабабли уни фермер хужалиги фаолияти тўхтатилганлиги унга маълум қилинмаган ҳамда фермер хужалигининг мухри ва штамп топширилиши лозимлиги унга тушинтирилмаган. Юқоридаги қарорда бу мажбуриятлар туман ИИБ си бошлиги А.Болтабоевга юқлатилган. (иш вараги 16, том 3).

Ўзбекистон Республикасининг 1998-йил 30 апрелдаги «Фермер хужалиги тугрисида»ги қонунининг 33 моддасида фермер хужалигини тугатиш тартиби тугрисида суз юритилиб, фермер хужалиги – фермер хужалиги аъзоларининг қарорига биноан ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда суднинг қарорига биноан тугатилиши курсатилган бўлиб, «Эргашевлар» ДФХ ни тугатиш тугрисида фермер хужалиги аъзоларининг ёки суднинг бирон-бир қарори мавжуд эмас. Фермер хужалигини фаолиятини тугатиш ҳуқуқи туман хокимининг ваколатига қирмайди ҳамда юқоридаги қонунда фермер хужалигининг фаолиятини тўхтатиш қўзда тутилмаган. Бундан қуринишича «Эргашевлар» дехкон фермер хужалигининг фаолияти амалда тугатилмаган ва унинг раҳбари Р.Эргашевни шартнома тузиш ҳуқуқи сақланиб қолган.

Шунинг учун ҳам Р.Эргашев 2000 йил 10 май куни «Саховат» дехкон-фермер хужалиги раҳбари И.Далиев билан шартнома тузишда «Эргашевлар» дехкон-фермер хужалиги номидан иш юритган. Р.Эргашевнинг дастлабки тергов ва суд тергов жараёнида беорган курсатмасига қараганда гарчанд шартномада 12 тонна металл листни сотиб олиш ҳақида шартнома тузилган бўлсада лекин амалда у металл листларни қабул қилиб олмаган ва бунга сабаб «Саховат» ДФХ раҳбари И.Далиев у билан бирга олғи уқув юртида бирга уқиб узаро яқин таниш бўлганлиги сабабли уни иш фаолиятини солиқ органлари томонидан текшириш утқазилиши муносабати билан ёрдам бериш ҳақидаги илтимосига биноан сохта тузилган.

Фуқаровий даъвогар И.Далиев судда гарчанд 12 тонна металл листларни тузилган шартнома асосида Р.Эргашев КАМАЗ русумли, 11-00 ФЕА давлат белгили автомашинада олиб кетганлигини курсатган бўлсада, лекин амалда 12 тонна металл листни қаердан олганлиги тугрисида бирон-бир ҳужжатни на дастлабки тергов ва на суд жараёнида судга тақдим эта олмаган. Бундан ташқари И.Далиевни курсатишича у металл листларни 1998-йил баҳор ойларида Наманган шаҳридаги қурилиш материаллари бозоридан сотиб олиб уларни уйини олдида қўчада сақлаган бўлиб буни оила аъзолари ва қуни-қўшнилари билган. Судда суралган гувоҳ Байхонова Малика тумани уртоғи И.Далиевни металл листларни қачон ва қаердан олиб қелиб, қаерда сақлаганлигини аниқ билмаслиги курсатди. Гувоҳ Қаримов Турсунбой фуқаро И.Далиев билан қўшни маҳаллада яшашлигини, лекин уни уйини олдида металл листлар сақлаганлигидан хабари йўқлигини курсатди. Бундай ҳолда дастлабки тергов органлари томонидан фуқаро И.Далиевни қаердан ва қимдан, қачон металл листларни харид қилганлиги атрафлича текширилмаган. Шунингдек нима сабабдан узини гапи буйича нақд пулга сотиб олган металл листларни кейинчалик ташқил этилган «Саховат» дехкон –фермер хужалигига қирим қилганлиги ҳам етарлича текширилмаган. Бундан ташқари фуқаро И.Далиев билан бир маҳаллада яшовчи қуни-қўшнилари гувоҳ тарикасида сўроқ қилиниб уларни металл листни қўрган-қўрмаганлиги мутлоқо текширилмаган. Тергов органи томонидан металл листларни олиб кетишда фойдаланилган КАМАЗ русумли, 11-00 ФЕА давлат белгили автомашинани аниқлаш қоралари ҳам етарли даражада қурилмаган, факатгина бундай давлат белгили автомашина йўқлиги тугрисидаги маълумотномани олиш билан қегараланилган ҳолос.

мутлако чорвачиликдан хабари булмаганини билгани холда унга чорвачилик билан шугулланиб кредит олишни ва олинган кредитга қора мол ҳамда қуй олишга қизиқтириб кейинчалик қора мол ва қуйларни узлаштириб ҳамда бир қисминни нобуд қилиб М.Тожибоевага 5693000 сумлик моддий зарар етказганлиги курсатилган.

М.Тожибоева раҳбарлик қилаётган «Ҳақиқат» қўш тarmoқли савдо ишлаб чиқариш фирмасининг низомига қўра уни асосий фаолиятларидан бири балиқчилик, урдакчилик, чорвачилик, дехкончилик ва урмончиликни ривожлантиришдан иборат бўлиб маъқур низом асосида М.Тожибоева чорвачиликни ривожлантириш учун банкдан кредит олган. Мазкур низом М.Тожибоевани фуқаро Р.Эргашев билан танишишдан олдин ишлаб чиқилган бўлиб тергов органи айбланувчи Р.Эргашевнинг қандай асосларга қўра М.Тожибоевани алдаб ва ишончига кириб чорвачилик билан шугулланишни тасвир этганлигини аниқламаган.

«Ҳақиқат» фирмаси раҳбари М.Тожибоева узини низомига қўра чорвачиликни ривожлантириш мақсадида Ташки Иқтисодий Миллий банкнинг Марғилон шўъра филиалидан 10 миллион сум кредит пул ажратишни сураб мурожаат қилган ва олинадиган кредит қайтарилиши қаролатида учинчи томоннинг қаролик шартномасини тақдим этишини курсатган (и. в 49). Уни хати асосида банкдан М.Тожибоевага чорвачиликни ривожлантириш учун 8 миллион сум кредит пули ажратилган бўлди бирон-бир учинчи томоннинг қаролик шартномаси тақдим этилмаган. Тергов органи нима сабабдан бирон бир қаролик шартномаси булмагани холда М.Тожибоевага қўра микдордаги кредит пули берилганлигини аниқлаш текширмаган.

М.Тожибоева томонидан олинган кредит пулидан 5 миллион суми Олтиариқ туманидаги «Яхшилик» дехкон фермер хўжалигидан қорва моллари ҳамда озуқа олиш учун, 2 миллион суми Фарғона вилоят «Қорванаслхизмат» ОТАЖ орқали Сурхандарё вилоятидан насли қуйлар олиш учун утқазилган бўлиб, қолган 1 миллион суми қандай мақсадларда ишлатилганлиги тергов органи томонидан текширилмаган. Бунда иш буйича айбланувчи Р.Эргашевни дастлабки тергов ва судда берган курсатмасига қараганда олинган кредитнинг 1 миллион суми кредит олиш вақтида банк хизматчиларига ҳамда Тошкент шаҳрида фаолият олиб бораётган журналистларга қара тарикасида берилган. Тергов органи банкдан кредитқа оид барча ҳужжатларни талаб қилиб олиб юқоридаги қаролик аниқлаш текшириши ва унга ҳуқуқий боҳо берилиши лозим бўлади.

М.Тожибоева томонидан кредит сифатида олинган 5 миллион сум пул 2000 йил 25 сентябр қўни Олтиариқ туманидаги «Яхшилик» дехкон фермер хўжалиги ҳисоб қаромига утқазилиб тузилган 1-сонли шартнома асосида 4542100 сумга 25 бош қора мол, 27900 суми га 930 кг. омухта ем, 43000 сумга 2150 кг шелуха сотиб олинган ва ортиб қолган 387000 сум пулни «Яхшилик» ДФХ раҳбари Ш.Яминов 82 фоиз нақд пул ҳисобида, яъни 317000 сумни Р.Эргашевга қайтарган, уз навбатида Р.Эргашев бу пулдан 2000 суми ни йул қаражатларига сарфлаб қолган 315000 сумини М.Тожибоевага берган, М.Тожибоева яса бу пуллари узини фирмаси офиси учун қўра сотиб олишга сарфлаб юборган. Бунда М.Тожибоева чорвачиликни ривожлантириш учун аниқ мақсадларда банкдан олинган кредит пулини бошқа мақсадларда ишлатилишига йул қўйган. «Яхшилик» ДФХ дан олиб қелинган 25 бош қора моллар Р.Эргашевнинг Оқунбобоев туман Гиштмон к.ф.й даги фермасига олиб қелинганидан сўнг 2000 йил 25- октябр қўни Р.Эргашевнинг тақлифига қўра М.Тожибоева ёғочни қайта ишлаб қайта даромад олиши мумкинлиги ҳақидаги ваъдаларига ишониб 6 бош қора молларни бозорга олиб чиқиб сотишга руҳсат берилган ва 6 олти бош қора моллар бозорга олиб чиқилиб 815000 сумга сотилиб, кейинчалик 26-октябр қўни яна 5 бош қора мол 625000 сумга сотилиб, бу пуллардан 334000 сумига 4 бош қора моллар сотиб олинган, 183500 сумига Қувасой шаҳридан терак сотиб олиб қелинган кейинчалик М.Тожибоевани топширигига асосан бозорда қайта сотилиб пули уни узига берилган. Бу қароликда ҳам М.Тожибоева томонидан чорвачиликни ривожлантириш учун олинган кредит пули бошқа мақсадларда ишлатилган. Вақолик, М.Тожибоева томонидан ишлаб чиқилган Бизнес режага қўра қўра кредит пули фақат чорвачиликни ривожлантириш учун сарфланиши қўзда

Йил 7 январ кунигача булган вақт ораллигида фукаро М.Тожибоевага тегишли булган 24 бош қора молларни бозорда орзон гаровга сотиб юбориши оқибатида 1 миллион 790000 сум М.Тожибоевага моддий зарар етказганлиги курсатган ва бунда қора молларни харид қилиш ва бозорда нақд пулга сотишдаги фарқни ҳам зарар ҳисобида курсатган. Лекин бунда нақд пулга олинган қора мол билан пул утқизиш йули билан олинган қора мол уртасидаги мавжуд тафовутни тегишли ҳужжатлар асосида ҳамда матаҳасиларни сурок қилиш орқали конкретлаштирилмаган. Шу билан бирга тергов органи томонидан айбланувчи Р.Эргашев ҳамда фукаровий даъвогар М.Тожибоевалар томонидан айнан канча бош қора моллар сотиб юборилганлиги конкретлаштирилмаган ҳамда қора молларни сотилишидан келиб чиққан барча зарар Р.Эргашевнинг зиммасига юклатилган. Бу ҳолатда ҳам М.Тожибоева қорвачиликни ривожлантириш учун олинган кредит пулини бошқа мақсадларда ишлатилишига йул қуйган, чунки ишлаб чиқилган Бизнес режага қура кредит ҳисобидан олинган қора моллар боқилиб, етилганидан сунг гушт маҳсулоти сифатида қорхоналарга, ошхоналарга, болалар боғчаларига, дам олиш уйларига ва бошқа тулов қобилиятига эга булган қорхоналарга сотилиши қузда тутилган (ив 58-67).

Тергов органи томонидан айбланувчи Р.Эргашевни фукаровий даъвогар М.Тожибоевани алдаш ва ишончини суистеъмом қилиш йули билан унга тегишли булган 24 бош қора молларни сотиб пулини узлаштиришда айбланган булсада, лекин «Ҳақиқат» фирмаси - раҳбари М.Тожибоева ҳамда фукаро Р.Эргашев урталарида тузилган «Якка холда тулик моддий жавобгарлик ҳақида» ги 2000 йил 10 октябр қунидаги Намунавий шартномага қура фукаро Р.Эргашев «Ҳақиқат» фирмасига тегишли булган қорва маҳсулотлари (Наслли моллар, қуйлар ва бошқа қорва маҳсулотлари ҳамда уларнинг озукасини таъминоти) саклаш, даромад олиш мақсадида боқиш ишларини бажарувчи ва унга ишони топширилган фирманинг моддий бойликларини сакланишини таъминлаш учун тулик моддий жавобгарликни уз зиммасига олишлиги қузда тутилган ҳамда ходимга топширилган моддий бойликларнинг сакланишида унинг айби билан етказилган зарар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилиниши қузда тутилган (и.в 20 том 1). Тергов органи мазкур шартномани атрофлича урганиб унга ҳуқуқий баҳо бермаган.

Тергов органи томонидан фукаро Р.Эргашевга қуйилаган кейинги айб фукаровий даъвогар М.Тожибоевани алдаб уни ишончини суистеъмом қилиш йули билан уни мулкни эгаллаш мақсадида Фарғона вилояти «Қорванаслхизмат» ОТАЖ орқали Сурхандарё вилоятидан наслли қуйлар олиб қелишни тақлиф этганлиги ва шунга асосан М.Тожибоева «Қорванаслхизмат» ОТАЖ ҳисобига 2 миллион сум пул утқазиб берганлиги кейинчалик Сурхандарё вилоятидан наслли қуйлар олиб қелиб уларни парвариш қилиш ва сотишда 1020300 сум йукотилишига олиб қелинганлиги ҳамда Р.Эргашев томонидан узлаштирилганлиги курсатилган.

«Ҳақиқат» қуп тармок фирмаси раҳбари М.Тожибоева ҳамда Фарғона вилоят «Қорванаслхизмат» ОТАЖ раҳбари О.Усмонов томонидан 2000 йи 12 декабр қунидаги тузилган наслли қорва моллари харид қилиш буйича Контракция шартномасига қура «Қорванаслхизмат» ОТАЖ «Ҳақиқат» фирмасига уни ҳисобига утқазилган 2 миллион сум эвазига унга наслли қуйлар олиб қелиб бериш мажбуриятини уз зиммасига олган (и.в 271- том 1). Мазкур шартномага асосан 2000-йил ноябр ойларида «Қорванаслхизмат» ОТАЖ мутаҳасиси Н.Туйчиев ҳамда «Ҳақиқат» фирмаси ишончли вакили Р.Эргашев Сурхандарё вилоятидан жами бош 66 бош қуй ва 1 бош эчки олиб қелишган ва йулда қуйларни 4 боши бепарволик оқибатида қобуд қилиниб ҳамда сотиб юборилган. Кейинчалик қуйларни Р.Эргашевга тегишли булган фермада парваришлаш жараёнида 2 бош қуй қобуд булган ва 2 боши қасаллиги туфайли мажбуран суйиб юборилган 14 бош қуйлар «Қорванаслхизмат» ОТАЖ билан тузилган шартномага асосан шу ташқилотга 452000 сумга сотилган қолган 33 бош қуйлар М.Тожибоева

томонидан олиб қетилган. Бунда қуйларни харид қилиш, уларни олиб қелиш ва парвариш қилиш жараёнида 1 миллион 307000 сум моддий зарар Р.Эргашев томонидан етказилганлиги курсатилган булсада, лекин «Ҳақиқат» фирмаси билан «Қорванаслхизмат» ОТАЖ урталарида тузилган шартномага қура наслли қуйларни

ОТАЖ ташкилотига юклатилган булиб М.Тожибоева уни алдаб унга қарин, қасал, насли булмаган куйларни олиб келинганлиги хақда даъво қузғатиб хужалик судига мурожат қилган ва етказилган зарар ҳисобидан 2295000 сумни ундириш юзасидан даъвоси 2001 йил 8 июн куни Фаргона вилоят хужалик судида мазмунан қуриб чиқилиб, даъво қисман қаноатлантирилиб келтирилган зарар ҳисобидан «Чораванаслхизмат» ОТАЖ дан «Ҳақиқат» фирмаси фойдасига 150000 сум пул ундирилиб даъвонини қолган қисми асоссизлиги учун рад қилинган (и.в.15-17-том 1).

Мазкур суд қарорига нисбатан томонларни эътирози булмаганлиги сабабли қарор қонуний қучга кириб ижрога қаратилган. Тергов органи мазкур қарор мавжуд булгани холда қандай асосларга қура фуқаро Р.Эргашевни айби билан қарин, қасалланган ва насли булмаган куйларни олиб келиниши ҳамда уларни парваришланганини жараёнида М.Тожибоевага 1 миллион 307000 сум моддий зарар етказилганлигини афрофлича текширмаган. Олиб келинган насли куйлар етиштирилиб бир қисми тузилган Бизнес режага асосан гушт сифатида таъминот қорхоналарига, ошхоналарига, болалар богчаларига, дам олиш уйларга ва бошқа тулов қобилиятига эга булган қорхоналарига сотилиши урнига бозорларда сотиб юборилиб, пули бошқа мақсадларда ишлатилганлиги ҳам тергов жараёнида текширилмаган ва унга ҳуқуқий баҳо берилмаган.

Тергов органи томонидан Р.Эргашевни қора молларни ҳамда насли куйларни етарли даражада парвариш қилмаганлиги сабабли уларни озиб кетишига, қасалланишига ва нобуд булишига сабабчи булганлиги қурсатилган булсада «Ҳақиқат» фирмаси томонидан 2000 йил 25 сентябр куни жами 25 бош қора моллар олиб келиниб то 7-январ 2001 йилгача парвариш қилинган вақт давомида жами булиб 3080 кг озуқа сотиб олинган, ваҳоланки, ишлаб чиқилган Бизнес режага қура ҳамда мутахассислар ҳулосасига қура жами 25 бош қора молларни 25-сентябр кунидан то 7- январ кунигача булган вақт давомида 31500 кг озуқа ишлатилиши лозим булган. Шунингдек ноябр ойида олиб келинган 64 бош насли куйларни бир ой давомида парвариш қилиш учун 11136 кг озуқа еми берилиши қузда тутилган булсада, амалда хужжат асосида бирон бир озуқа олиб келинмаган. Бундай холда қорвачиликни ривожлантириш учун олиб келинган қора моллар ҳамда насли куйларни қасалланишига, озиб кетишига ҳамда нобуд булишида Р.Эргашев ёки М.Тожибоевани айби мавжудлиги тергов органи томонидан етарли даражада текширилмаган.

Шунингдек мавжуд 64 бош насли куйлардан қанча қисми Р.Эргашев томонидан яна қанча қисми М.Тожибоева томонидан узлаштирилганлиги тергов жараёнида қонкретлаштирилмаган.

Юқоридаги қурсатиб утилган ҳолатлардан қуриниб турибдики мазкур жиноят иши буйича дастлабки тергов тулик утказилмаган булиб, уни суд мажлисида тулдириш мумкин эмас.

Дастлабки тергов органи томонидан фуқаро Р.Эргашевга, жиний шериклиги Н.Туйчиев, «Хуршид» дехқон – фермер хужалиги раҳбари Ф.Алиев, хусусий тадбирқор Б.Дудаев, Сурхандарё вилояти «Насилчилик бирлашмаси» бош зоотехники И.Хонимовлар билан жиний тил бириктириб аслида насли булмаган куйлар учун сохта хужжат тузиб куйларни бирма-бир тарозида тортиб қурмасдан, вазнини тахминан қурсатиб М.Тожибоевани алдаш йули билан уни 2 миллион сум маблағини узлаштиришда айб эълон қилинган булсада, лекин Р.Эргашевдан ташқари қолган шахсларга бирон-бир айб эълон қилинмаган, уларни ҳаракатлари афрофлича текширилмаган ва ҳуқуқий баҳо берилмаган.

Мазкур жиноят иши буйича дастлабки тергов ҳаракатлари олиб қорган Охунбобоев туман ИИБ ТБ бошлиги М.Суярқулов 2001 йил 2-ноябр куни туман прокурорига алоқа хати билан мурожат қилиб иш буйича гумонланувчи Р.Эргашевнинг химоячиси адвокат К.Эргашев 1-ноябр куни унга нисбатан раддия эълон қилганлигини ва раддияни асослантирилган талабномасини 2001 йил 2-ноябр кунига тақдим этишини қурсатган булсада, лекин талабномани топширмаганлиги қурсатилиб адвокат К.Эргашевнинг раддия талабномаси ҳал қилиниши учун юборилаётганлиги қурсатган. Мазкур талабнома туман прокурори томонидан 2001 йил 2- ноябр куни рад эътилиб маңфаатдор томонларга маълум қилиниши қурсатилган булсада, лекин амалда маңфаатдор томонларга бу хусусида

хабар берилмаган. Шундан кейин утказилган дастлабки тергов харакатлдари давомнда айбланувчи Р.Эргашевнинг конуний химоячиси адвокат К.Эргашев иштирок этмаган. Узбекистон Республикаси Олий Суди Пленеумининг 1996 йил 20 декабрдаги 41-сонли «Химоя хукукини таъминловчи конунларни куллаш амалиёти тугрисида»ги карорнда «Гумонланувчи, айбланувчи ва судланувчининг химоя хукукини таъминлаш конституциявий коида хисобланади ва жиноят - судлов ишларини юргизишнинг барча боскичларида унга катъий амал килиниш керак.

Узбекистон Республикаси Жиноят - процессуал кодексининг 24-моддасига мувофиқ суриштирув олиб борувчи, терговчи, прокурор, суд гумонланувчига, айбланувчига, судланувчига конунда белгиланган восита ва усуллар билан химояланишлари учун имконият яратиб беришга мажбурдирлар.

Жиноят - процессуал кодексининг 53-моддасига мувофиқ адвокатнинг ишда иштирок этишига йул куйилган вақтдан бошлаб, у гумонланувчини ёки айбланувчини сурок килишда, шунингдек, улар иштрокида амалга оширадиган бошка тергов харакатларида иштирок этишга ҳақли. Суруштирув органлари ёки терговчи бундай харакатларни утказиш куни тугрисида химоячини олдиндан хабардор килиши керак. Мазкур жиноят иши буйича айбланувчининг химоячиси К.Эргашев дастлабки тергов жараёнида факатгина гумонланувчини сурок килишида иштирок этиб колган тергов харакатлари давомнда уни иштироки таъминланмаган.

Юкоридаги карорнинг 7-бандида «Суриштирув ва дастлабки тергов даврида гумонланувчининг, айбланувчининг химоясига оид процессуал хукукларига рио килинмаган, гумонланувчи, айбланувчи ва унинг химоячисининг иш учун муҳим аҳамиятли булган ҳолатларни аниклаш юзасидан билдирилган илтимослари асоссиз равишда каноатлантирилмаган ҳолларда, шунингдек конунда назарда тутилган бошка талаблар жиддий равишда бузилган булса ва тергов камчиликларини суд мажлисида тулдириш мумкин булмаса, конунда курсатилган тартибда суд ишни кушимча терговга юбориш тугрисидаги масалани муҳокама килиши лозим.

Юкорида курсатиб утилган барча ҳолатлардан куришиб турибдики дастлабки тергов тулик утказилмаган булиб, уни суд мажлисида тулдириш мумкин эмас ҳамда терговчи томонидан жиноят - процессуал кодекси талаблари жиддий бузилишига йул куйилган ва бу ишни тугри хал килинишига тускинлик килади, шунга кура суд мазкур жиноят ишини кушимча терговга юборишни лозим топади.

Юкоридагиларга кура Уз.Р.ЖПКсининг 419-моддасини куллаб,

С У Д -

А Ж Р И М К И Л А Д И:

Узбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-кисми «а» банди, 184-моддаси 3-кисми, 228-моддаси 1-кисми ва 2-кисми «б» банди билан айбланувчи Эргашев Рахимжон Позиловични айблаш буйича 19/02 (206116027)-сонли жиноят иши кушимча тергов харакатлари олиб борилиши учун Охунбобобев туман прокурори оркали тергов органига юборилсин.

Айбланувчи Р.Эргашев эҳтиёт чораси аслича «Муносиб хулк атворда булиш хакида» ги тилхат оркали очикда колдирилсин.

Ажримдан нарози томон ажрим элон килинган кундан бошлаб ун кунлик муддат ичида шу суд оркали Жиноят ишлари буйича Фаргона вилоят судининг судлов хайъатига апелляция тартибда шикоят ва протест килишга ҳақлидирлар.

Раислик этувчи:-

Халқ маслаҳатчилари: 1.

«Асанга тугри» деб



Жиноят ишлари буйича
Охунбобоев туман судининг раиси:

A handwritten signature in black ink, appearing to read "Kayumov".

М.М.Каюмов